

ТАЪЗИЯ



10:51 / 23.09.2020 1788

«Ҳилол» нашриёт-матбааси ҳамда Ислом.уз портали жамоаси Самарқанд шаҳар бош имом-хатиби вазифасида ишлаб келган Нуриддинхон Исломовнинг вафоти муносабати билан чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг барча яқинларига сабру салвон тилаймиз.

Нуриддинхон Исломов 1970 йилда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходими вазифасида иш фаолиятини бошлаган. 1980 йилдан 2008 йилга қадар Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани бош имом-хатиби вазифасида фаолият юритган. 2008 йилдан 2017 йилгача Самарқанд вилояти бош имом-хатиби вазифасида ишлаган. Шундан сўнг айти пайтгача Самарқанд шаҳар бош имом-хатиби ҳамда «Шоҳи Зинда» жоме

масжиди имом-хатиби лавозимида ишлаб келган.

Аллоҳ таоло марҳумни барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб,
Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин.

*«Сабрлиларга хушxabар беринги, улар ўзларига мусибат етганда
«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз»,
деганлардир».*

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

***Islom.uz* портали**